



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 9 февраль, № 28 (5702)

Шанба

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Урганч туманидаги Галаба қишлоғида қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳа 195 минг 500 АҚШ долларлик банк кредити эвазига амалга оширилди.

Қулай ва тежамкор

— Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган, — дейди мазкур “Ганжа Вали ширинликлари” хусусий корхонаси раҳбари Азамат Раҳматуллаев. — Қўл меҳнати кўп талаб этилмайди. Иш самарадорлиги юқори бўлишига қарамай, энергия сарфи жуда кам. Ёшларимиз бу технологияни бошқаришни тез ўзлаштириб олишди. Ҳозир бозор талабларидан келиб чиқиб, кунига бир тонна миқдорда 3 турдаги карамел ширинликлари ишлаб чиқараямиз.

Айтиш керакки, ўтган йили вoleyтада 117 та янги sanoat корхонаси ишга туширилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор тажрибаси

Ховос туманидаги “Зебо” хусусий корхонаси раҳбари Беҳзод Аҳмедов доим янгиликка интилиб яшайди. Ўз корхонасига қарашли иссиқхонада ҳар йили лимон, помидор, бодринг етиштириб, ҳамқишлоқлари дастурхонига тўхфа этади.

Эндиликда тадбиркор банан кўчати парвариши билан шуғулланмоқда. — Кўчатларнинг бўйи 3 метрга етиб қолди, — дейди тадбиркор. — Улар бу йил ҳосилга қиради. Натижа яхши бўлса, дарахтлар сонини кўпайтирамиз. Очик майдонда ҳам банан етиштиришни режалаштираямиз. Лимон, помидор, бодринг ҳосилдан рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона ишга тушди

Китоб туманида 2012 йил давомида озиқ-овқат sanoatида 20 га яқин лойиҳа амалга оширилиши тўғрисида маълумот берилди.

Жумладан, тумандаги “Megalopol technology group” хусусий фирмаси ҳам Украина технологияси асосида йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кунига 10 тонна туз “Оқ дур” ва “Биллур” ёрликлари остида қадоқланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, ўнга яқин иш ўринлари яратилди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технология асосида

Елим халтачалар жуда қулай ва рўзгорбоп. Шу боис уларга маиший турмушимизда талаб юқори.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Чирчиқ шаҳридаги “Бриз” масъулияти чекланган жамияти жамоаси иккиламчи хом ашёдан турли ўлчам ва қалинликдаги целлофан пакетлар тайёрлашни йўлга қўйди. Бунинг учун Германия ва Испания давлатларидан замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатилди. Тўлиқ компьютер бошқарув тизимига эга мазкур ускуналар маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш баробарида, уларга истаган рангда сайқал бериш имконига ҳам эга. Айтиш керакки, қарийб 100 киши фаолият юритаётган жамиятда кунига 7 тоннагача маҳсулот тайёрланапти. Этиборлики, уларнинг бешдан бир қисми қўшни мамлакатларга сотилмоқда.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди

Балиқчи туманидаги “Хўжабод” масъулияти чекланган жамиятда 32 хил спорт анжуманлари ҳамда махсус кийимлар тайёрланмоқда.

Ўтган йили жамоа 2 миллиард 924 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири ҳамда спорт муассасаларига етказиб берди. Айтиш керакки, қарийб 400 миллион сўм йўналтирилди. Бунинг учун 400 миллион сўм йўналтирилди.

Жорий йилнинг дастлабки ойда жамият негизига “Ҳамкор Гранит Сифат” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ташкил этилди. Корхона хитойлик “Тупикал” компаниясининг энг замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди. Қолаверса, бу ерда 22 та иш ўрни яратилди.

Туманда ана шундай ижобий натижалар оз эмас. Хусусан, ўтган йили 36 та янги корхона ишга туширилиши ҳисобига 450 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Бебаҳо меросдан баҳрамандлик саодати



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Алишер Навоий халқимизнинг бетемсол гурури, фахур ифтихоридир. Зеро, ул зотнинг асарларида одамийлик, эзгулик, камтаринлик, бунёдкорлик каби хислатлар юксак даражада тараннум этилган. Буюк шоир ғазаллари, рубойилари, фардлари, қитъалари замиридаги ҳикматлар кишиларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, инсонпар-

варлик руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга. Бу ҳақда шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, олий ўқув юртлирида, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактабларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтаётган навоийхонлик тадбирларида сўз юритилапти. Президентимизнинг “Юксак маъна-

вият — энгилмас куч” асарига таъкидланганидек: “Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жохон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарла-

ри билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.”

4-бетга қаранг.

Баркамол авлод — юрт таянчи

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари мазкур соҳа тараққиётини янги bosқичга олиб чиқди.

Болалар спортини

Хусусан, юртимизда спортнинг замонавий инфратузилмаси яратилди. Энг чекка ҳудудларда ҳам спорт мажмуалари, майдончалар, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланаётган.

2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазиғаларига бағишланган Вазиғлар Маҳкамасининг мажлисида ҳам Президентимиз ўшу масалага алоҳида тўхталиб, “Юртимизда спортни, аввало, болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эътибор

қаратаётганимиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, аҳоли саломамлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда”, дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида аҳоли ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш мақсадида йилдан-йилга кўлами жиҳатдан кенг қамровли

ишлар амалга оширилди. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз бўйича 108 та болалар спорт объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Самарқанд шаҳрида эшак эшиш каналини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

(Давоми 3-бетда).

Тадбир

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан наркогурӯхларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш, контрабанда каналларини ёпиб қўйиш, таркибда гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни йўқ қилиш, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни амалга ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАЪСИРЧАН УСУЛИ

Жумладан, наркотикларга қарши курашни кучайтириш ва улар тарқалишининг олдини олиш мақсадида шу йилнинг 1 февралдан 1 мартгача мамлакатимизда ёшлар ўртасида гиёҳванд моддаларнинг тарқатилишига қарши кураш омилиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида жойларда гиёҳванд моддаларни тарқатиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган тушунтириш ишлари, профилактик мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, маърузалар ўқилмоқда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиаконкомпаниясининг шўба корхонаси — Махсус авиация ишлари авиаконкомпанияси ишчилари ва ходимлари иштирокида ўтказилган “Гиёҳвандлик — аср вабоси” мавзудаги тадбир шулар жумласидандир. Мазкур тадбир Ўзбе-

кистон Республикаси Ички ишлар вазиғлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан ташкил қилинди. Таъкидланганидек, ҳозирги пайтда барча мамлакатларда гиёҳвандликка қарши кураш долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили ўн минглаб одамлар гиёҳвандлик туғайли ҳаётдан куз юммоқда. Ўз умрига зомин бўлиш билан бирга, улар қариндошлари ва яқинларининг ҳаётини ҳам барбод этади, жамиятга катта зарар етказиши мумкин. Аксарият ҳолларда гиёҳвандлар оқумли касалликлар тарқалишининг сабабчиси бўлиб, ушбу оғу таъсирида турли жиноятларга қўл уради.

(Давоми 2-бетда).

Ислохот

Иқтисодий ночор, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, фаолият юритмаётган хўжалик субъектларига салоҳиятли инвесторларни жалб этиш орқали улар фаолиятини тиклаш соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Молиявий соғломлаштириш: Ҳудудий дастурлар самараси

Шу мақсадда қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётган дастурлар Наманган вилоятида ҳам рақобатбардoshi импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бунда, айниқса, кейинги пайтларда фаолият тўхтаб қолган, бўш турган ёки кам қувватларда ишлаётган корхоналарни тижорат банклари орқали молиявий соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастур қўрилган самарани бераётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ўтган йил бошида 75 та корхона ушбу дастурга киритилган бўлса, йилнинг биринчи ярмида бу миқдор 114 тага етди. Пировардида ушбу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини изга солиб юбориш учун 66 миллиард сўм банк кредитлари ажратилди. 12 та кор-

хона учун мўлжалланган 11,4 миллиард сўмга яқин маблағ хорижий валютага алмаштириш учун конвертация қилиб берилди. Бу, ўз навбатида, илгор технологияларни жорий этиш билан боғлиқ қатор лойиҳалар ижросига йўл очди. Масалан, Наманган шаҳридаги “Асл текстиль либослари” масъулияти чекланган жамияти банк кредити асосида шаклланган 151 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ҳисобига хорижий илгор фирмаларидан тикувчилик, ювиш ва тозалов, дазмоллашга мўлжалланган ускуна ҳамда дастгоҳлар сотиб олиб, бўш майдонлар ўрнида тикувчиликни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда 35 киши меҳнат қилаётган. Улар томонидан қисқа вақт ичида 406 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

(Давоми 2-бетда).

Ёшлар учун янги иш жойлари

2012 йилда мамлакатимизда касб-хунар коллежларининг

450

минг нафардан ортиқ битирувчилари иш билан таъминланди.

“Коллеж — корхона” тизими яратилиб, иш бериувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланилаётгани, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилиги жалб этилаётгани тўғрисида ана шу ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлашга эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير.

Ислом КАРИМОВ



Алишер Навоий бу асари билан таърихчиликда янги аъёналарга асос солган. Асар саккиз мажлис(қисм)дан иборат. Иккинчи мажлис сарлавҳасида шоир "...ситта ва тисына ва самона миа таърихидаким, бу мухтасар битиладур", деб ёзади (яъни 860/1490-91 йилларда бу асар ёзилди). Бу таърих ёзилган йили. Лекин асарнинг баъзи қўлёзмаларидаги маълумотлар 1498 йилларда унинг иккинчи таърири яратилганидан далолат беради.

«Мажолис ун-нафоис»нинг икки таърири

«Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи таърири 1948 йилда, иккинчи таърир эса Навоийнинг 15 томлик асарларининг 12-томида (Тошкент, 1966 йил) ва 20 томлигининг 13-томида (Тошкент, 1997 йил) ҳамда 2011 йилда чоп этилган тўла асарлар тўпламининг 9-жилдида нашр қилинди. Биринчи таърирда шоирлар сони 345, иккинчи таърирда эса 459 та деб кўрсатилган. Қуйида икки таърирдаги асосий фарқлар хусусида тўхталамиз. Шоирлар ҳақидаги фикрларда айрим жумла, иборалар ўзгарган. Шунингдек, жойлар, шаҳарлар номида, тахаллусларда ҳам фарқ кўзга ташланади. Мавлоно Рибзий ҳақидаги фикрда шоирнинг етти қалам билан хатни яхши битиши, Қуръони мажидни етти қирот билан ўқиши, илми мусиқий ва адвор, нукум ва истихрожи рамал (толедан хабар бериш, тафаккур матлабини юзага чиқариш — С. Ф.) тушиб қолган.

Завфдин қулбада қўймоқ истаса айлар мадад, Анкабуте риста оскон бўлса ҳар деорга.

Сарв мойил бўдиким, ўпгай айгинг туфроғин, Йўқса ҳар соат сабо тахриқидин ҳам бўлмади.

Мирзабек — Навоийга фарзанд-дек бўлган самарқандлик шоир. У биринчи таърирда Мирзо Алибек деб берилган. Жомийга бағишланган фикрда Мухаммад Таёбодий ҳақидаги охири жумла ва бир байт тушиб қолган. Мавлоно Абдуллоҳ ҳақидаги маълумотлар илк таърирда гоят қисқа, «Зафарнома» маснавийси ёдга олинмаган, ундан келтирилган уч бети ҳам тушиб қолган. Хуррабий фикраси ҳам тўлиқ эмас. Мавлоно Бақий — хоразмлик шоир Мавлоно Ликой, деб берилган...

Иккинчи таърирдаги эътиборли жиҳат ҳар бир мажлис сўнгида «Мажолис ун-нафоис» аввалги мажлисининг итмоми, ...ихтимоми, ...хатми, охири ... гояти, ...ниҳояти, ...туганчисини ёзади ва уларни дуо ҳамда шох маъжидидаги рубоийлар билан якунлайди. Саккизинчи мажлис Хусайн Бойқаро таърифи ва мадҳи билан биринчи таърирдагидек берилди ва биринчи таърирдаги Мавлоно Лутфийнинг «Устина» радифи матлавига Хусайн Бойқаро жавоби ва улардаги тафовут ҳамда мувофиқлик кўрсатилади. Иккинчи таърирда эса тахлиллар Хусайннинг «Девони»дан харфлар тартиби билан инади.

Биринчи таърирда 82 байт, иккинчи таърирда 169 байт. Навоий маъно, тимсол, баъдий санъатлар, қофия, радиф хусусида шоирнинг маҳоратини очиб беради. Иккинчи таърир охирида «Хилват» деб аталган илк лавҳа берилди. Хусайн Бойқаро иштирокида ўтадиган адабий анжуманлар (Навоий уларни «Олий мажлис» деб атади)да янги асарлар, шеърлар муҳокама қилинади. Биринчи лавҳада Хусрав Дехлавийнинг ҳинд тилидаги асаридан бир маъно —

Ватан тарқини бир нафас айлама, Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОИЙ

Хазрат Навоий талқинида Ватан фақат инсоннинг киндик қони тўқилган замин, мамлакат ҳудудигина эмас, балки заҳмат-каш халқ (эл-улус), унинг маънавий маданияти, тарихи, она тилидир. Навоий нақшбандийликнинг «хилват дар анжуман» мақомини янгича мазмун билан бойитар экан, комилликка интилувчи шахс зоҳиран халқ билан (анжуманда) бўлса ҳам, ботинан Ҳақ ёди билан, яъни илм-маърифат ҳосил қилиш тилағи билан яшаш лозимлигини таъкидлайди. **Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл, Тила хилвату, анжуман ичра бўл.** Ҳамма замонларда ҳам улуг мутафаккирлар жумардлик, сахилик, меҳр-муруват, футууват (мардлик) ва камтаринликни комиллик белгиси сифатида улуғлаганлар. Хазрат Навоийнинг таълим беришича, ўзи емай бошқаларга

едирши — муруватлик, одамларга хизмат қилиш ва буни миннат қилмаслик футууват (мардлик) белгисидир. Мутафаккирнинг уқтиришича, иймон-этиқодли кишиларгина инсоф-диёнати, меҳр-шафқатли ва оқибатли бўладилар; инсофсиз одамларнинг феълү авториди. **«...Тила хилвату, анжуман ичра бўл»** Муруват — барча бермақдир, емак йўқ, Футууват — барча қилмақдир, демак йўқ. Алишер Навоий талқинидаги муруват ва футууват сингари фазилатларнинг мамлакатимиз ҳаётига ўзига хос тарзда намоён бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, ўтган йили «Фонд Форум» ташаббуси билан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи» лойиҳаси тантаналари замирида улуг шоир орауларнинг ҳаётийлиги муҳассам.

нуксондан бошқа нарса бўлмайдиган Кимдаки инсоф йўқ — инсон эмас, Мунсиз авториди жуз нуксон эмас. Шоир Ватан равнақи, унинг порлоқ истиқболини комил инсон шахсининг шаклланиши, илм-маърифат равнақи билан боғлар экан, камтаринликни инсон камолотининг муҳим мезони деб ҳисоблайди: **Киши айбинг деса, дам урмағилки, ул эрур кўзгу, Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!**

Хазратнинг уқтиришича, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги инсоннинг ўзлигини англашдан бошланади: **Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсан — ўзингдин инстагил.** Аён бўладик, бутун онгли ҳаёти ва сермаҳсул ижодини элу юрт бахти учун бағишлаган улуг мутафаккир ўзини Ватан ва халқ олдида доимо қарздор деб билди. Унинг ижодида муҳим ўрин эгаллаган ватанпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик гоилари эса баркамол авлодни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади. **Қодиркул РЎЗМАТЗОДА, Фаргона давлат университети доценти.**



Буюк муҳаббат тараннуми

Тикон кирса кафинга кинасидин, Чикорсам эрди киприк инасидин. **Кўрув хору хас ўрнунда ниҳони, Сочим билра супурсам эрди они.** **Чу билсам гарддин кўнлунда қайгу, Ер узра ашқдин сепсам эди су.** **Бошингга тушса меҳнат шоми жовид, Юз очиб зоҳир этсам эрди хуришид.** **Агар жонингга қасд этса узун кун, Сочим еткурса эрди анбарин тун.**

Сийрат **Хазрат Навоийнинг «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз» деб бошланувчи рубоийси барчамизга ўқувчилик давримизда ноқ ҳақиқат. Унда шоир азиз умри ҳаддан ортик («сондин сени кўп севармен...»), жондан ҳам, инсон севиши мумкин бўлган нарса-ҳодисаларнинг барчасидан ҳам кўпроқ севишини эътироф этади.**

йил тўлади. Ифтихор этамизки, истиқлол азиз умримизни янада азиз қилди. Умр шаклида табиат берган имкониятга истиқлол берган имкониятлар ҳам қўшилди. Бугуннинг вази-фаси — мамлакатимиз тараққиётини умуминсоният тараққиётининг ажралмас бир бўлағи сифатида ид-роқ этган ҳолда, манфаатларни, имкониятларни уйғунлаштириш, келажак наслларга озод ва обод Ватан қолдириш учун курашмоқдир. Бу эса, шубҳасиз, умри азизни қадрлашдан бошланади. Хазрат Навоий асарларида акс этган даъват ва иб-ратлар истиқлол галабалари мустақамлашда биз билан бир сафдадир.

Орадан беш юз йилдан ортик вақт ўтганига қарама-масдан, бу рубоий замонларда ўлганмайдиган ўткир ҳақиқати билан қалбимизни чароғон этиб турибди. Зеро, ўзгалар учун қилинадиган ҳар қандай эзгу амал, жамиятга фойда келтириш ўз умрини қадрлашдан бошланади. Халқимиз шунинг учун ҳам «Ўз қадри-ни билмаган ўзга қадрини не билсин?» дейди. Истиқлолга эришганимизга бу йил йигирма икки

Юзунги олмасам эрди энгимдин, Аритсам эрди ашқингни энгимдин. **Тилар бўлсанг юзунг кўрмакка кўзгу, Юзум юзунгга тутсам эрди ўтру.** **Сув истаб тушса ўтлуғ кўнлунга жўш, Лабимдин тутсам эрди чашмаи нўш.** **Демо-дам айлабон ҳамдамлигингни, Кеча-қундуз қилиб махрамлигингни.** **Тунунгга шамъи мажлис бўлсам эрди, Кун ўлса ёру мунис бўлсам эрди.** **Чу айлабтур сирехри тезрафтор, Сени бир ён, мени бир ён гирифтор.** **Киши гар қўксини юз рора қўлсун, Фалак бадодига не чора қўлсун!** **Анинг бедодидин ким бўлса ношод, Қилур жонига бедод узра бедод.** **Неча сен бастаи банду балосен, Балолар банди ичра мубталосен.** **Ғаму дардингча даро имкони йўқтур, Балору меҳнатинг поёни йўқтур.** **Вае бўлмиш жаҳон аҳлига маълум Ки, илгинда қотиқ хоро эрур мум.** **Чекарга дарду андух журғатинг бор, Бало тортарга сабру тоқатинг бор.**

«Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз...»

Албатта, ҳар қандай инсон учун энг олий қадрият — бу ҳаётдир. Мазкур шеърда ифода этилган эътироф, энг аввало, берилган умр учун шукроналик туйғуси, фурсатнинг ғаниматлигидан огоҳлантириш даввати билан йўғрилган. Чунки инсоннинг асл фитрати ҳаётни севиш, ҳаётпарастлик билан зийнатланган. Аммо ҳазрат Навоийдек комил шахс томонидан бу дунёда берилган ҳаётнинг ҳамма нарсадан баланд тур-

ғувчи қадрият сифатида баҳолашида янама чуқурроқ мазмун бор. Зеро, бизга берилган умр, тириклик — хайрли амаллар қилиш, жамиятга манфаат келтириш, эзгулик тарғиби, йўл қўйган хатоларни тўзатиш, тавба қилмоқ ва шукрона келтиришнинг биринчи шартидир. Бошқача айтганда, умр — бизга берилган имконият. Инсон ҳаёт-лигидагина дунёни яхшилик томонга ўзгартиришга қодир бўлади.

Нодира АҲОҚОВА, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори.



Басра шаҳрида бир очкўз киши бор эди. У нодонлик билан олтин-кумуш йиғишга муккасидан кетган эди. Хотам Той саховат ва қарам кўрсатишда қанча ном қозонган бўлса, у динор ва дирҳам йиғишда ундан машху-роқ эди. Ушбу хасис киши қўп машаққат че-киб битта-битталаб қумуш йиғар эди. У катта бир хазина тўплаб, уларни ер тағига қўмди. Бу тўбан табиатли киши яна шунга тенг кела-диган бойликни тўнга гир айлантириб ти-киб олган эди. Яширган беҳисоб олтинлари ўша шум җирсли кишининг кўзига, ҳатто, кун-дуз кунлари ҳам осмонда ярақлаган юлдуз-лар каби қуринар эди. У ўзинча, танимга қув-ватгина эмас, балки жонимга сиҳат ҳам ана шу олтинларим тўфайли, деб ўйларди.


Мажнунни даштда бир киши учратиб қолди. У ўзи билан ўзи сўзлашмоқда эди. У киши Мажнундан сўради: — Сен ким билан сўзлашмоқдасан? — Эй бахтли одам, мен Лайли билан сўзлашмоқдаман, — деб жавоб берди Мажнун. — Ахир у сендан жуда узоқда-ку! — Эй гофил, у менинг жонимдан ўрин олган! Уни ёдга олиш жонимга озиқ ба-ғишласа, йўл йироқлиги учун уни унута оламанми? Кимки ишқда камолот касб этса, унинг вужудида маъшук ёди муҳассамлашган бўлади. Агар сиз ҳам ишқ борасида лоф урмоқчи бўлсангиз, ундан сизга дард келса ҳам шодлик ўрнида қабул этинг!

Иттифоқо, бир кун у савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда савдо қилган молидан тушган харом пулларга таом олиб эди. Шундан сўнг қўлини ювмоқчи бўлиб дарё лабига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни сувга тортди кетди. У сувдан чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, биров келиб қутқарар, деган умидда бақириб-чаққарар эди. Аммо одамлар ёрдамга этиб келгунга қадар у дарё тўбига чўкиб бўлди. Чунки унинг олтиндан бўлган лангари беҳад оғир эдики, шу сабабли у сув тўбиди садаф ичи-даги гавҳардек қолиб кетди.

Улуғлик осмонининг қуёши

Қандай яхшики, унинг ово-заси турклар мамлакатидан Хижозгача... доврғи Нишопурдан Исфохонгача етди. Ажам мамлақати аҳли қулғоига бу садодан сирга тақиб, ола-мининг ҳамма бурчлари бу дарё гавҳари била тўлиб тошган-дир. Тонг насими унинг хабар-ини Йироққа етказди ва Туби дарахти барглари билан ниҳол шохчаларига ёпиштирди...

...Шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳяларининг қилбаси, ҳокон давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою ҳим-матга ботир, олий ҳазрат низоумулҳақ вал ҳақиқат вадунё ваддин амир Алишернинг... узлуқсиз меҳри-бончиликлари шуъласи, илтифот ва ғамўрликлари офтоби Хондамир деб шухрат қозонган бу фақир банд ва ҳақир зарра Ғиёсуддин ибн Хумоуддин бошига тоблани, балки вужудининг ниҳони ёш чо-ғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳаз-ратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб унди.



Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таърихиятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таърихият жавобгар эмас. Газета таърихият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орिनوف.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиш — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Тошхирдон — 22.20 1 2 3 4 5